

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМУМИЙ ТАРИХ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Мирзакаримова Феруза

Антик даврнинг ижтимоий-сиёсий атамалари

5220200 – “Тарих” (минтақалар ва мамлакатлар бўйича) таълим
йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

иш раҳбари: катта ўқитувчи Д. Мусаев

Андижон – 2013 йил

РЕЖА.

Кириш.

1. Антик даврдаги ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ бўлган атамалар.

2. Сиёсий ҳаёт билан боғлиқ атамалар.

3. Маданият ва санъат билан боғлиқ бўлган тарихий атамалар.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

КИРИШ

**Ўзликни англаш тарихни
билишдан бошланади.**

И.А.Каримов.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон истиқлолга эришгандан сўнг жамият ижтимоий сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида кенг ўзгаришлар даври бошланди. Бу жараён интеллектуал соҳада ҳам ўз аксини топди.

Энг асосий ижтимоий гуманитар фан ҳисобланган тарих фани олдида ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. Оқибатда совет тарихшунослиги нуқтаи назаридан ўрганилган мавзулар қайтадан илмий тадқиқот сифатида ўрганила бошланди.

Бундан ташқари тарихнинг “оқ доғлари” сифатида ўрганилмаган мавзуларни тадқиқ қилиш имконияти кўлга киритилди. “Дунё харитасида янги мустақил давлатлар пайдо бўлди, улар ҳозирги тил билан айтганда социалистик ўтмишга эга бўлган ўз сиёсий мустақиллигини тинч йўл билан кўлга киритган давлатлардир. Бу давлатлар мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни яхшилаш йўлига қадам қўйди. Улар дунёдаги бошқа мамалакатлар орасида ўз мавқеини мустаҳкамлашга интиломда”¹.

Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган сайкал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари шу кунгача кўрку файзини маҳобатини йўқотмаган асори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганлигидан далолат беради. Бешафқат давр синовларидан омон қолган энг қадимги

¹ Каримов. И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. , Тошкент. 1997. 137-б.

тошёзувларбитиклардан тортиб бугун кутубхоналаримиз ҳазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган. Тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз ифтиҳоримиздир¹.

Маънавият, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир. Маърифатчи фидойи бўлмоғи керак. Тарихни яхши билмасдан туриб юксак маънавиятга эришиш мумкинми? Албатта, мумкин эмас. Маънавиятни тиклаши туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга албатта тарихий хотира керак. Ким бўлишидан қатъий назар жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса бундай одамларни йўлдан уриш ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади иродасини мустаҳкамлайди.

Бирон бир жамият маънавий имкониятларини одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай, мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Халқнинг маданий қадриятлари маънавий мероси минг йиллар мобайнида шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазийққа қарамай Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида меросни аниқлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий табиий жараён деб ҳисоблаймиз².

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент.: 1998 й. 4-бет

² Каримов. И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. , Тошкент. 1997. 137-б.

Шуни таъкидлаш керакки, маънавий қадриятларни ҳамда биз учун муқаддас бўлган диний қадриятлар ва анъаналарни қайтариш ва тиклаш, ўзлигимизни англаш анча мураккаб шароитларда, эски империя тузуми барбод бўлган ва ижтимоий муносабатлар қарор топаётган бир шароитда юз берди. Воқеаларнинг бундай ривожланиши ҳавфли эканини англаш чуқур ўйлаб ва ҳар томонини ҳисобга олган ҳолда ёндашишни маънавий тингланишнинг ижобий бунёдкорлик моҳиятини кучайтиришга қаратилган бир-бирини тўлдирадиган сиёсий иқтисодий ва маданий дастурлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни зарур қилиб қўймоқда. Ушбу дастурлар биринчи навбатда қайта тикланаётган меросга фарқлаб ёндашишга энг муҳим умуминсоний қадриятларни бойитадиган ҳолда жамиятимизни демократиялаш ва янгилаш талабларига жавоб берадиган, ахлоқ жиҳатидан аҳамиятли анъаналарни, урф одатларни танлаб олиш заруриятига асосланган эди¹.

Тарих хотираси халқнинг жонажон ўлканинг давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ҳоят муҳим ўрин тутди. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бомоқда. Буюк аجدодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда. Кўплаб буюк аجدодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари жаҳон жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум.

Тарихий тажриба анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши буларнинг барчаси янгидан янги авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланиб қолмоғи лозим.

¹ Каримов. И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, ҳавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. , Тошкент. 1997. 139-б.

Халқимизнинг этник, маданий ва диний сабр бардоши манавий Уйғонишнинг яна бир битмас туганмас манбаидир.

Ижтимоий ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланиб кетганлиги боис маънавий маданиятнинг қудратли қатламлари очилди. Улар халқ руҳиятини ватанпарварлик миллий ифтихор, бутун дунё учун бағрикенглик томон кескин ўзгартириб юборди.

Мамлакатимизнинг мустақиллигига жаҳондаги давлатлар ҳам бефарқ муносабатда бўлмай, уни давлат сифатида тан ола бошлади. Мустақил ривожланишдаги ўтган қисқа тарихий даврда республиканисуверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Ҳозирда Ўзбекистонни 165 дан ортиқ давлат тан олган. Дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Тошкентда 35 дан ортиқ мамлакат ўз элчихонасини очган¹.

Бугунги кунда Ўзбекистон тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига кирган бўлиб, барча китъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириб бормоқда.

Жаҳон ҳамжамиятининг мустақил Ўзбекистонни тан олиши давлатимизнинг кенг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолияти ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ва имкониятлари тикланишга ўзини бошқа халқлар оиласидаги тўла ҳуқуқли миллат сифатида англаб етишига янада куч бахш этди. Кенг миқёсдаги халқаро алоқалар жаҳон маданиятини янада чуқурроқ билиш умуминсоний қадриятлардан бахраманд бўлиш учун қулай замин яратди. Айни маҳалда ўзбек халқининг турли фаолият соҳаларидаги истеъдоди ривожланишга, унинг тадбиркорлик ва киришимлик бир неча чет тилларни тез ўрганиб олиш каби ноёб фазилатлари тўла тўқис рўёбга чиқишга имкон берди. Анашу

¹ Каримов. И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. , Тошкент. 1997. 296-б.

алоқалар туфайли миллий меҳмонавозлик ва саҳоват анъаналари янада ривожланди¹.

Мустақиллик мамлакатимиз аҳолисининг билим доирасини кенгайтирди. Тарих ва ҳозирги замон воқеликларига мурожаат қилиш бизнинг ижтимоий тафаккуримиздан ҳаётни идрок этишнинг мавҳум ва ақидапарастлик қолипларини енгиб ўтишни, мустақил фикр юритиш ва рўй бераётган ҳодисаларни баҳолай олиш қоблиятини талаб этди.

Маънавий тикланиш фикрлаш тарзини мустақиллик руҳи белгилайдиган янги авлодга мансуб ижодий зиёлиларнинг пайдо бўлиши демакдир. Бизнинг тушунишимизча қотиб қолган эски ақидалардан воз кечиш ўз тарихий ўтмишимиздан воз кечиш демакдир.

Халқимизнинг келажаги энг аввало унинг ўзига маънавий қудратида ва миллий онгнинг ижодий кучига боғлиқдир. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига ғов бўлмаслиги лозим. Маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп аср тарихи давомида доимо унинг энг кучли хусусияти бўлиб келди.

Бизнинг маънавий қадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг қадриятлари билан уйғунлаштириш келажакда янада равнақ топишимизнинг жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг гаровидир.

Маълумки биз бошимиздан кечирган собиқ мустабид тузум даврида миллий маънавиятни ривожлантириши мутлақо йўл қўйилмаган. Аксинча халқимизнинг табиати яшаш тарзига ёт бўлган коммунистик мафкурани ҳар қандай йўллар ва зўравонлик билан жорий этишга ҳаракат қилган. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ бу соҳадаги аҳволни тубдан ўзгартириш юртимизда энг долзарб ва ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди². Бугунги кунда мамлакатимизда янги ҳаёт ва янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини

¹ Каримов. И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. , Тошкент. 1997. 149-б.

² Каримов. И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. , Т. , 2008. 5-б.

шакллантириш масаласи биз учун ғоят долзарб аҳамиятга эга. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши анъана ва урф одатларимизнинг сақланиши маданият ва санъат фан ва таълим ривожининг энг муҳими жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир. “Бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифаларни кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, аҳолининг кундалик эҳтиёжларига бевосита дахлдор долзарб масалаларни ҳал қилиш билан бир қаторда биз эски тузум даврида инсон ҳаётининг негизи ва мураккаб томонлари, миллий кадри-ятлар, тарихий анъаналар, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча зарар келтирганини унутмаслигимиз керак. Бу борада асосий ишларимиз нималардан иборат бўлиши лозим?”¹

Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш зарур.

Айни пайтда юртимизда миллий тикланиш жараёни қарийб бир ярим аср давом этган ижтимоий-сиёсий қарамликдан кейин дастлабки пайтларда мутлақо табиий равишда ўзига хос «инкорни инкор» қонунияти асосида кечганини айтиш лозим. Лекин биз собиқ тузумнинг мафкуравий қарашларини умуман инкор этишнинг ўзи ҳеч қандай бунёдкорлик дастурига эга бўлмаган сиёсий ва маданий экстремизм хавфини туғдириши эҳтимолини яхши англар эдик. Шу билан бирга, тарихий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар, турмуш тарзига орқа-олдини ўйламасдан, ёпиасига бетартиб қайтиш бошқа бир кескинлик, дейлик, бугунги давр ҳаётини қабул қилмаслик, жамиятни янгилаш заруратини инкор этиш каби номақбул ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам унутмаслик зарур эди².

¹ Каримов. И.А. Юсак маънавият енгилмас куч. , Т. , 2008. 78-б.

² Каримов. И.А. Юсак маънавият енгилмас куч. , Т. , 2008. 81-б.

Барчамизга маълумки, миллат ва халқнинг рухи, дунёқараши ва турмуш тарзини ифода этадиган миллий маънавиятга муносабат, уни замон талаблари асосида ривожлантириш, одамларнинг дунёқараши ва тафаккурини ўзгартириш масаласи ҳар томонлама чуқур ва пухта ўйлаб иш юритишни талаб қилади.

Биз халқимизнинг ақл-идроки, мустаҳкам иродаси, бағрикенглиги ва инсонпарварлигига таянган ҳолда, бу борада амалга оширган бир қатор ишлар бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади.

Маданият ва санъат билан боғлиқ бўлган тарихий атамалар.

Архаик даврдаги грек маданияти эга бўлган хусусиялар крит-микен даврида ва ундан кейинги эр.ав XI-IX асрларга бориб тақалади. Бу маданият шу вақтда барча хўжалик тармоқларида қўлланилган қўл меҳнати қуроллари бажасида ривожланган. Бевосита ишлаб чиқарувчилар бўлмиш деҳқонлар ва хунармандлар давлатмандроқ ва бойроқ грекларда қуллар бажариб келган ишларни бажарганлар, қудорлик муносабатлари аста секин ривожланиб борган бўлсада лекин жисмоний меҳнат ҳали кишини хўрлавчи иш деб ҳисобланмаган. Деҳқоннинг меҳнати эса фахрли меҳнат ҳисобланган. Бу даврнинг техника даражаси ва шунга яраша муносабатлари Гесиоднинг ”Меҳнат ва кунлар“ поэмасида акс этган.

Грецияда ярим худо қаҳрамонлар эъзозланган. Грекларнинг фикрича бу ярим худо қаҳрамонлар худолар билан одамларнинг никоҳидан келиб чиққан. 12 марта жасорат кўрсатган Геракл алоҳида ҳурматланган. У шер

терисига буркалган ва таёқ билан қуролланга ҳолда тасвирланган. Геракл ёвузликка қарши курашиб уни енгувчи олижаноб киши ҳисобланган.

Бу ерда шундай маданий қоидалар бўлганки бу қоидалар турли шаҳарларни бамисоли бир бутун қилиб боғлаган ва грек элини бирлаштирган. Болқон ярим оролидаги шаҳарлар ўз байрамлари, ўйинлари оракуллари (валийлари) билан грек элини бирлаштирувчи марказлар бўлган. Грецияда худоларга аталган махсус байрамлар мавжуд бўлган бу байрамлар фақат диний ҳаракатларга эга бўлмаган, чунки жисмоний тарбия мусобақалари мусиқа кўшиқ ва шу кабилар ушбу байрамларнинг энг муҳим ишлари ҳисобланар эди. Грециянинг ҳамма полисларидан одамлар йиғилишиб келишган. Пелопоннесдаги Аргос шаҳрида Гера Аргосий шарафига ўтказилган байрамлар, Панофениялар яъни Афинада маъбуда Афина шарафига ўтказилган байрамлар ва бошқа машхур байрамлар бўлган. Афинада аёлларнинг намоёйиши шуҳрат қозонган. Одатда аёллар уйларидаги махсус биноларда генекеяларда ўтирганлар ва деярли ҳеч жойга бормаганлар. Бирон жойга борганларида ё яқин қариндошлари билан ёки оқсочлари билан борганлар. Аммо Панофинея байрамларида аёллар маъбуда Афина шарафига бағишланган тантанали равишда қатнашганлар.

Улар байрам либосларида ясаниб бемалол кўчага чиққанлар. Байрамлар тантанали суръатда ўйин кулги билан ўтказилган. Сўнг театрлар намоёйиш этилган.

Олимп ўйинлари-байрамлардан ташқари грекларни Умумгрек мусобақалари бирлаштирган. Пелопоннесда олимпиада ўтган Олимп ўйинлари айниқса донг таратган. Бу ўйинлар худоларнинг отаси чақмоқсочар Олимпик Зевс шарафига ўтказилган. Олимпиада Зевснинг ибодатхонаси бўлиб, бу унинг каттакон хайкали ўрнатилган. Бу ўйинлар 4 йилда бир марта ўтказилган. Дастлабкиси мил.ав 776 йилда ўтказилган. Мусобақалар пайтида ҳамма греклар қатнашиши учун урушлар тўхтатилган. Мусобақаларда югуриш, сакраш, дик улоқтириш, от

кўшилган араваларда от чоптириш ва бошқа кўпгина гимнастика машқлари ўтказилган. Шу билан биргаликда драматурглар, шоирлар, ашулачилар ва созандалар ҳам мусобақалашган. Бу ўйинлар жисмоний тарбия учун ҳам ақлий ва маънавий камолот учун ҳам биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган. Жисмоний машқларда эркаклар иштирок этган, аёллардан эса фақат Спарталиқ қизлар қатнашган.

Мусобақа ғолиблари оддийгина мукофот зайтун дарахти баргларида тўвилган гулчамбар олганлар. Ғолиб ҳеч қандай қимматбаҳо буюмлар олмаган. Аммо бу зайтун гулчамбари олий фахрли мукофот ҳисобланган. Ғолиб жуда иззат икром қилинган, фақатгина ўзи эмас оиласи ҳам, туғилган шаҳри ҳам ҳурмат қилинган. Унинг шарафига кўшиқлар айтилган шеърлар тўқилган. Хайкалтарошлар ғолибларнинг хайкаллари ясаганлар. Ашулачилар, мусиқачиларнинг мусобақларида ғолиб чиққанлар дафна гулчамбарлари билан мукофотланганлар. Клар ҳам барчанинг иззат икромига сазовор бўлган ва ўз шаҳрининг фахри ҳисобланган. Олимп ўйинлари бутун Грециянинг маданий тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлган.

Оракуллар – бу ҳам умумгрек қоидаларига кирган. шулар туфайли грек кохинлари катта фойда кўрганлар чунки ўз саволларига жавоб олишни фойда истаган кишиларнинг ҳаммаси пул ёки қиммат баҳо буюмлар садақа қилинган. (кароматгўй)

Грек ёзуви-озроқ ҳарфлардан иборат бўлган алифбе ёзуви эрамиздан аввалги IX-VIII асрларда финикия алифбосидан фойдаланиш асосида юзага келган. Финикия савдо ҳисоб китоби юргизар экан, уларни ёзиб бориш зарур бўлган, аммо кўп сонли белгилари бўлган, Шарқнинг қадимги ёзувини ўрганишга вақтлари ва имкониятлари бўлмаган ҳисоб, китобни акс эттирадиган ва узоқ ўрганишни талаб қилмайдиган қисқа аниқ алифбе керак эди.

Финикия 22 ҳарфдан иборат янги алифбе тузганлар лекин бу ҳарфлар фақат ундош товушларни билдирган.

Греklar финикиянинг ёзуvidан фойдаланганлар лекин уни ўзгартириб, фақат ундош товушларни эмас балки унли товушларни ҳам билдирувчи Алифбе тузганлар улар 24 харфдан иборат янги грек алифбесини яратганлар.

Адабиёт – янги Алифбе ва ёзувнинг яратилиши грек адабиётининг ривожда муҳим рол ўйнаган. Эрамиздан аввалги VII асрнинг II ярмида Беотияда яшаган шоир Гесиод икки йирик адабий асар ёзган, бири “Геогония” бўлиб, унда грекларнинг худолари ва оламнинг келиб чиқишига қарашлар баён қилинган, иккинчиси эса “Меҳнат ва кунлар” асари эди. Эрамиздан аввалги VII-VI асрларда грек лирикаси пайдо бўлган ва юксак даражада ривожланган.

Лирика – сўзи ўша вақтда энг кўп ишлатиладиган мусиқа жўрлигида оҳанг билан декламация қилинган. Грек лирикасига асос солган дастлабки шоирлардан бири Парос оролида туғилган Архилох бўлган.

Архитектура – даврда грек тасвирий санъати вужудга келган. Дастлабки вақтларда бу санъат архитектурада ҳам ҳайкалтарошликда ҳам қадимги шарқ санъатидан анчагина орқада бўлган. Эрамиздан аввалги VI асрнинг охирида грек санъати ривожланиш палласига кирган. Эрамиздан аввалги VIII – VII асрларда грек ибодатхонасини уч томони девор билан тўсилган ва тўртинчи томони томни ушлаб туриш учун олдинда устун тиркаб қўйилган одатда думалоқ бўлиб яхшилаб силлиқ қилиб қўйилган. Тош меъморчилиги пайдо бўлганлигидан кейин устунлар тошдан ясаб қўйилган, шу тариқа қатор устунли (колонкалар) пайдо бўлган. Эрамиздан аввалги VII асрда баъзи ибодатхоналар хом ғиштдан қурилган.

Тош меъморчилигининг пайдо бўлиши эса грек архитектурани тараққиётини поёнига етказган. Ҳамма томонлари устунлар билан ўралган янги шаклдаги ибодатхона вужудга келган. Шу вақтдан бошлаб дорийга ордер ёки услуб пайдо бўлади. Бу услуб аввало оддий тарздаги ватор устунлар учун характерлидир. Колонка таккурсига ўзак ва тепақошга бўлинган. Дорийча устунларнинг қоши оддийгина безаксиз бўлган.

Ҳайкалтарошлик – санъатнинг бу соҳаси ҳам ибтидоий формаларидан бошлаб ривожлана борган. Эрамиздан аввалги VIII асрда худоларнинг ёғоч суръатлари ясалган. Бу суръатлар кийинтирилиб ибодатхоналарга қўйилган. Эрамиздан аввалги VII асрда тош ҳайкаллар пайдо бўлган. Ҳайкалларда одамнинг қадди қоматига ўхшатиб ишланди. Бу давр ҳайкалларининг характерли томони шундаки уларда сочларнинг таралиши ва кийимлар жуда синчиклаб ишланган. Мармардан ёки бошқа материаллардан кокиллар, жингалак сочлар зўр маҳорат билан жуда нозик қилиб ишланган. Кийимларнинг жимжималари жуда диққат билан тасвирланган баъзан эса шундай моҳирлик билан ишланганки мато кишининг кўзига шаффоф бўлиб кўринади. Эркаклар яланғоч ҳолатда, аёллар кийимда тасвирланган. Ҳайкаллар бўялиб, улар яхши сақланган.

Рассомчиликда – биноларнинг деворларига ишланган асарлар етиб келган. Греklar қадимги даврлардаёқ вазаларга чиройли гуллар солишган. Бу қадимги рассомчиликнинг юқори намунасидир. Эрамиздан аввалги VI асрда қора фигурали вазифалар ясалган яъни табиий қизғиш тусдаги вазалар устига қора лак билан ҳар хил расмлар солинган. Баъзан расмлар бошдан оёқ “тимдалаб” чиқилган ва қизил оқ бўёқлар билан бўялган. Фақат архаик даврдаги расмлар шундай усул билан ишланар эди. Корионар сарғишроқ гилватадан ясалган вазалар билан шуҳрат қозонган. Атикада ишлаб чиқилган алоҳида ўрин эгаллаган. Вазалар яшашнинг ва ваза рассомчилигининг бутун грецияда тарқалганлиги кулолчилик ҳунарининг ва тасвирий санъатнинг юксак даражада эканлигидан далолат беради¹.

Театр – қадимги Греk маданиятининг ажойиб ҳодисаларидан бири эди. Санъатнинг бу тури қишлоқ хўжалиги ва деҳқончиликларнинг ҳомийси бўлиш ҳудо Дионис шарафига ижро этиладиган халқ қўшиқлари ва ўйинлари асосида пайдо бўлган. Дионис табиат кучларини ҳосил қилувчи маъбуд бўлган, унга сифиниш қишлоқ хўжалигини олиб боришнинг машаққатлари ва қувончларини акс эттирган. Қадимги

¹ Энциклопедик луғат. 1 том. Т. 1988. 268 бет.

Грециянинг табиий шароитига кўра қишлоқ хўжалиги асосан узумчиликдан иборат эди. Токлар барг чиқаргач баҳорда кўкламги Дионисия байрамлари қилинган, узум узиладиган кузда эса кузги Дионисия байрамлари қилинган. Бу байрам айниқса қувноқ бўлган янги тортилган винолардан ичишиб давра олиб лапар айтиб равсга тушганлар. Дионис шарафига айтиладиган маросим кўшиқларининг дифрамбларининг ижрочилари эски терисига бурканиб чиққанлар. “Трагедия” сўзи “такалар кўшиғи” ана шундан келиб чиққан (грекча “трогос” - “така”, - “оде” - “кўшиқ” демакдир) дифрамблардан грек трагедияси пайдо бўлган. Дионис шарафига айтиладиган бир неча кўшиқлар шўх кулгили бўлган шулардан комедия келиб чиққан.

Бу кўшиқларни бошловчи бошчилигида хор билан ижро этилган, бошловчи **корифей** деб аталган ва хор билан Дионис ҳақида суҳбат қилган. Тингловчилар кичик бир тепа теварагида тизилишиб ўтирганлар унда **корифей** хор билан бирга кўшиқ айтган. Томошабинлар яхши кўриш ва эшитиши учун корифей билан биринчи артист махсус ясалган тахта чорпоя устида туришган томошабинлар эса амфитеатр шаклида кетма-кет қаторлашиб қўйилган скамейкаларда ўтиришган.

Дастлаб театр ёғочдан бўлган Артистлар ўйнайдиган жой **сахна** деб аталган. Бу сўз “скена” сўзидан олинган бўлиб маъноси чодир демакдир. Бу чодирда артистлар кийинишган. Саҳнада худо Дионис шарафига қурбонлик эҳроми турган, пастда саҳна олдида хор жойлашган, бу ер “орхестра” – деб номланган. Сўнгра томошабинлар ўтирадиган ўринлар театр жойлашган ҳамиша очик ҳавода бўлган. 20-25 минг томошабин сиғдирилган. Бунини алоҳида техникаси мавжуд бўлиб, аёллар родини эркаклар ижро этишган, артистларнинг ҳаммага кўриниши учун этикларига баланд таглик **котурна** (пошна) боғлаб ўйнаган. Ҳамма актёрлар ниқоб кийишган, ниқобнинг оғзидан товушни баланд қилувчи **рупор** (карнайга) чиқиб турган, саҳнани **акустикасига** катта эътибор берилган.

Қадимги Грецияда театр томошалари кўнгил очиш эмас балки муқаддас бурчини адо этиш бўлган унда ҳар бир фуқаронинг иштирок этиш шарт бўлган, перикл давридан бошлаб Афина фуқароларига театрга бориш учун давлат ҳазинасидан махсус театр пули берилган. Театр тарбия мактаби бўлиб, унда қўйиладиган пьесаларда ахлоқ сиёсат ва идеологиянинг энг муҳим масалалари таҳлил қилинган. Театр томошалари йилига катта байрамларда бир неча марта қўйилиб қаторасига бир неча кун давом этган ҳар сафар 3 та трагедия ва 3 та комедия қўйилган.

Эллинизм даврида техниканинг ривожланиши бу маданиятнинг муҳим белгиларидан бири эди. Шарқ ва грек тажрибасининг ўзаро таъсири қўл меҳнати қурулларининг ва қўл хунармандчилик техникаси усуллари ҳамда одам ва ҳайвонларнинг кучи билан ҳаракатга келтириладиган номураккаб механизмлар такомиллашувига ёрдамлашган. Грек инженери Архимед мисрда далаларни суғориш учун қўлланиб келинган чархпалак (**чиғир**) механизмини яхшилаган натижада бу механизм “**Архимед парраги**” деб ном олган. Ҳарбий бинокорлик техникасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилган, қилич уруш аслаҳалари ясаладиган металл эритмаларнинг сифати яхшиланган. Эрамиздан аввалги IV асрнинг охиридан бошлаб турли отув тўплари (қадимги дунё артиллерияси) расм бўлган. Қалъаларни қамал қилиш учун машғур таранлардан ташқари ғилдирак устида ўрнатилган махсус ҳаракатланувчи минора Гелеполалар (шаҳар оловлар) ҳам ишлатила бошланган. Бу душман шаҳри қалъсининг деворларига баровар ёки баландроқ қилиб ясалар эди. Ҳаракатланувчи минора ичида аскарлар захира ўқлари ва тошлар билан отув тўплари жойлашар эди.

Денгизда илгаригига қараганда каттароқ кемалар қатнаш бошланган. Бу кемаларнинг беш қатор (**Пентералар**) ва ундан ҳам кўпроқ эшкакчилари бўлар эди.

Савдо флотининг денгиз кемалари такомиллаштирилган эди. Улар кўпинча очиқ денгизда хатто океанда ҳам суза олар эди. Эрамиздан

аввалги II асрда Грек Гиппал Ҳиндистонга кемада сафар қилганида биринчи марта муссон шамолидан фойдаланган, шу билан шамол ёрдамида сузиш имкониятини олган.

Эллинизм архитектурасида умумий фуқаролар ва хусусий кишилар фойдаланадиган бинолар кўпчиликни ташкил этар эди. Агар классик давр архитектурасида асосий бино **периптер** – ибодатхона бўлса, эндиликда асосий бино перистель хусусий ўй билан шаҳарлар одатда план асосида қурилиб бир бирини кесиб ўтадиган тўғри бурчакли тик кўчалар билан чиройли кўринар эди.

Тасвирий санъат соҳасида ажойиб ютуқларга эришилган грек ва анъаналарини бир бирига қўшган анчагина архитектура ёдгорликлари яратилган. Хашамат ва улуғворликка интилиш уларнинг кўпи учун характерлидир.

Хайкалтарошлик санъатида анча муваффақиятлар қўлга киритилган бўлиб унинг мазмуни классик давр анъаналаридан фарқ қилар эди. Маъбудлар ва қаҳрамонларнинг идеаллаштирилган ва умумлаштирилган хайкаллари орқага сурилиб натуралистик тарзда ясалган ва тасвирланган шахснинг индивидуаллиги яққол кўрсатадиган портретлар олдинги қаторга ўтди. Эллинистик даврнинг хайкалтарошлари яратган яқка ва гуруҳ тарзидаги хайкалларда жисмоний ва руҳий аъзоб кураш ғалаба ўлим ва шу қабила тасвирлаб кўрсатилар эди. Праксител; Асипп.

Аврора- Рим афсоналаридаги тонг яллиғи маъбудаси грек афсоналарида Эос номи билан юритилган у пушти ранг танали шундай рангли кийимда узун жингалак сочли ва ёш ҳолатда тасвир этилади. Антик ёзувчилар, рассомлар ва хайкалтарошлар унинг хилма-хил образларини яратишган.

Авгурлар лотин қоҳинлар қадимги Римликлардан қоҳинлар коллегияси қушларнинг ҳаракати ва парвоз қилишларига қараб келажакни айтиб берар эдилар. Милoddан аввалги I асрларда маълумотли римликлар уларнинг бундай фол очишларини масҳара қилганлар. Авгурларнинг

жилмайиши деган ибора одамларни йўлдан урганларга нисбатан қўлланилар эди¹.

Амброзия-Грек афсонасидаги милоддан аввалги VI асрда олимпия худоларининг ейдиган таоми маза ва рохатланиш маъносида.

Амфиктиония қадимги Грецияда умумий ибодатхонани сақлаш учун қабила ва давлатлар иттифоқи унинг мажлисларида турли ишлар ҳал қилинган аъзолари ўртасидаги жанжалли масалалар йўлга солинар байрам ўйинлари ташкил қилинар эди. Милоддан аввалги IV-VI асрларда грек давлатлари ўртасида иқтисодий алоқаларни ўрнатилиши натижасида амфиктиония вужудга келган. Ибодатхоналар территориялари ва йўллари дин томонидан қўриқланиши савдонинг ривожланишига қулай эди. Ибодатхона атрофларининг хавфсизлиги уларни қадимги банкларга айлантирган.

Бахус лотин қадимги римликларда хосилдорлик узумчилик виночилик ва хурсандчилик худосининг номларидан биридир.

Библия грекча Библия Таврот яхудийлар ва христианларнинг муқаддас китоблари. Библия икки қисмдан Таврот ва Инжилга бўлинади. Таврот қадимги яхудий қисман арамей тилида ёзилган бўлиб яхудий ва христианлар томонидан эътироф вилинади. Инжил грек тилида ёзилган бўлиб уни фақат христианлар томонидан эътироф қилинади. Бошқа муқаддас китоблар каби Библия ҳам дунё ва одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги содда ҳикоялар яхудийлар ва бошқа халқларнинг тарихи тарихига оид диний тусдаги ривоятлар диний қонунлар ва йилномалар турли даврларда яратилган асарлар айрим шър эртак мақоллар хатто ишқий дostonлар ва шу каби асарлар тўплами.

Беллона лотин Қадимги Рим афсонасида уруш маъбудаси Марснинг рафиқаси унинг шарафига Марс майдонида ибодатхона қурилиб олдида жангчилар саф тортиб турган.

¹ Энциклопедик луғат. Т.. 1988. 170 бет.

Блок қадимги грекларда момоқалдироқ совуқ ва қор олиб келувчи шимол шамоли¹.

Вандалар Шарқий герман қабилалари дастлаб скандинавия ярим оролида яшаган бошқа герман қабилалари билан бирлашиб Римга қарши юришган 270 йилда серматлар билан биргаликда Римга қарашли Паннокияга хужум қилган мағлубиятга учраб Рим билан тинчлик шартномасини тузган 335 йили император константин уларни Паннокияга жойлаштирган. 429 йили улар африкадаги Римга қарашли ерларни бир мунча қисмини забт этади. V асрга келганда вандал қироллиги Ўрта денгизда кучли давлатга айланади. 476 йили улар Африка Сицилия Корсика Сардиния ва Бомар ороллари тўла эгаллади уларнинг истилосини моҳияти шундаки у майда ер эгалигини йўқотиб феодал муносабатларнинг ривожланишига кенг йўл очган.

Виктория лотича қадимги Римликларда ғалаба маъбудаси грек афсоналарида Никаго тўғри келади.

Герофил милoddан аввалги тахминан 300 йил илгари туғилган қадимги грек врач Александрия тиббиёт мактабининг асосчиларидан бири. Одам гавдасини тузилишини ўрганиш учун мурдани биринчи бўлиб ёрган. Нерв системаси бир қанча ички органлар кўз бўлаклари ва уларни тасвирлаб берган.

Орфей грек қадимги Грек афсоналарида шоир ва ашулачи у ўз кўшиқларини айтиб гўё дарахтларни ва қояларни ҳаракатга келтиган ва йиртқич ҳайвонларни ром этган хушовоз ашулачи.

Пантеон грек машҳур одамларнинг одамларнинг жасадлари қўйиладиган сағана маъбад қадимги грек ва римликларда ҳамма худоларга бағишланган ибодатхона.

Пенатлар лотин қадимги Римликларда уй худолари оила ва уй ҳомийлари.

¹ Кун Н.А. Легенды и мифы древней Греции. Т. 1986. 102-стр.

Поликлет мил. ав. V аср қадимги грек хайкалтароши санъат назариётчиси бронза хайкаллар ишланган асосан гўзал бақувват атлетлар сиймосини яратган бироқ бу хайкаллардан кўчирилган мерлар бизгача етиб келган. Дорифф найза бардор тахм. Мил.ав. 440 йил Неаполь музейи Диадумен ғолиб атлет йигит тахминан мил. ав. 420 йил Яраланган амазонкалар унинг асарларидан кўчирилган нусхаларнинг муҳимлари бўлиб буларда инсоннинг тана тузилиши тўғри ва чиройли гавдалантирилган.

Формула лотин қадимги Рим динида тақдир илоҳаси.

Эврика грек ривоятларга кўра Архимед гидростатиканинг асосий қонунини очгандаги унинг ҳайкириғи. Бирор ихтиро янги бирор нарса ҳаёлга келиб қолганида ёки қийин масала ечилганда қувончни ифодалайди.

Эзоп мил.ав.VI аср грек масалчиси ривоятларига қараганда у франциялик қул бўлиб сўнг озод қилинган. Медия шоҳи Крез саройида хизматда бўлган Дельфада ўлдирилган. Антик даврда маълум бўлган деярли барча масалларнинг сюжети Эзопники деб ҳисобланган. Улар мил.ав. IV-III асрлардан бошлаб тўпланган ва Эзоп масаллари китобига киритилган. Эрамизнинг X-XV асрлардаги қўлёзмаларида 300 дан ортиқ шундай масал сақланиб қолган.

Эзоп масаллари сюжети Европа масалчилиги сюжетининг асосини ташкил этади. Латин масалчиси Федор I аср ва грек масалчиси Бабрий II аср дан тортиб Ж.Лафонтен ва И.Криловгача Эзоп масаллари сюжетини даврга мослаб ижодий ривожлантирганлар.

Экзотика грек. Ажнабий хорижий олис бегона мамлакат табиати халқнинг ўзига хос жиҳатлари ажойиб ҳаройиб бўлиб кўзга ташланадиган томонлари.

Янус лотин бу қадимги Римда эшиклар кириш чиқиш худоси ҳар қандай ҳаракатнинг бошланиши у қарама қарши томонга қараб турувчи икки юзли қиёфада тасвирланган. Йилнинг биринчи ойи январ шу тангри номидан келиб чиққан.

Капитолий бу ўпирма жарлиги бор тепалик шаҳар маркази бўлган. Бу ерда энг обрўли маъбудлар шарафига ибодатхоналар солинган унинг кирғоғида энг қадим замондан лашкар тўпланадиган бўлган халқ мажлислари ҳам шу ерда йиғилган.

Марс майдони уруш маъбуди ва шаҳар аҳолисининг номи билан бу жой шундай номланган.

Муқаддас кўча шаҳарнинг шарқий дарвозасидан форум орқали шимолий ғарбга капитолийга қараб тош ташланган узун йўл қурилган диний байрам намойишлари ва зафар тантаналарида ғолиб саркардалар бошлиқ Рим қўшинлари шу йўлдан юриб ўтган.

Уйлар қурилишида дастлаб хом ғиштдан қурилиб похол билан ёпилган кейинчалик ибодатхоналар жамоат бинолари ва шахсий уйлар пишиқ ғиштдан солиниб деворлари маҳаллий арзон мрамор трювертин билан қопланган томлари черпица билан ёпиладиган бўлган.

Клоака эрамиздан аввалги VI аср охирида ер тагидан катта қувур клоака ўтказилиб ишлатилган сув ва вхлатларни чиқариб юборишда фойдаланилган. Эрамиздан аввалги III асрда қурилган осма тарнолардан тоғ сувлари оқиб тушиб катта фонтанларга қўйилган шаҳар халқи шу тариқа сув билан таъминланган. Римдаги иқтисодий ва маданий жиҳатдан энг тараққий қилган катта этрусклар гуруҳи маданиятининг ривожига кучли таъсир кўрсатган. Эрамиздан аввалги VII-VI асрларда этруск хунармандлари Рим хунармандларига металсозлик техникасини ўргатганлар. Римликлар қурилиш санъатининг асосий усуллари ва принципларини шунингдек архитектура услубининг муҳим хусусиятларини ҳам этрусклардан ўрганганлар. Аслзодалар киядиган кийимларни дастлабки мебел нусхаларини бир қанча урф одатларни диний маросимларни хусусан қурбон қилинган ҳайвонларнинг ичак чавоғи ва қушларнинг учишига қараб истиқболни айтиб беришни ҳам этрусклардан ўрганишган. Латин алфавити ҳам этрусклар таъсирида таркиб топган.

Диний тасаввурлардан италий халқларнинг диний тасаввурлари ларлар ва пенатлар деб аталиши аجدодлар руҳи ва маъбудларга сиғинишдан иборат бўлган.

Эрамиздан аввалги II-I асрларда ҳам аجدодларининг суръатлари ларлар ва пенатлар Рим зодагонларининг уйларида меҳмонхоналар атрия да ўчук ёнида кичикроқ қурбончоҳ ўрнатилган муқаддас жойда сақланган.

Умум рўзғор ҳомийси маъбуда Вестани улуғлашга Римда айниқса катта эътибор берилган.

Унга атаб солинган ибодатхона Рим форумида бўлган Веста қоҳинлари Римнинг энг зодагон уруғларидан бўлган қизлар шу ибодатхонада яшашган уларнинг эрга тегишига ҳақи бўлмаган ва қурбонгоҳдаги ўтни ўчирмай сақлашлари лозим бўлган ўтнинг ўчишига сабабчи бўлган киши қатл қилинган. Муқаддас Вестанинг ўтинини бирон сабаб билан ўчиб қолиши ижтимоий фалокат ҳисобланган.

Римда жуда қадимдан осмон худоларига сиғинганлар бунини этрусклардан ўзлаштирган бўлсалар керак уларнинг энг муҳимлари бош худо Юпитер маъбуда Юнона донишмандлик маъбудаси Минерва ва Рим ҳомийси ҳисобланган уруш худоси Марсдир. Диний маросимларни ижро қилувчи қоҳинлар понфитиклар ва турли аломатларга қараб худо иродасини айтиб берувчи фолбинлар авгур узоқ вақтларгача патрицийлардан сайлаб келинган катта улуғ понфитик Римнинг бош қоҳини ҳисобланган.

Римнинг энг қадимги Юпитер капитолий ибодатхонаси этрусклар нусхасида эрамиздан аввалги VI аср охирларида қурилган. Римда Апполонча ва бошқа грек худоларига сиғиниш кенг ёйилган улар бу худоларни ўзларининг бугунги худоларига Юпитерни Зевсга Юнонани Герага Венерени Афродитга Дианани Артемидга Менервани Афинага Вулканни Гефестага ва хоказо ўхшатишган. Эрамиздан аввалги II асрдан Римда шарқ худоларига сиғиниш ёйилган. Масалан Кичик Осиёга юришларидан кейин худоларнинг уруш онаси кибелга сиғиниш

бошланган. Эрамиздан аввалги II аср ўрталарида Италия ва Римда озирис ва Изидаги азиз кўра ва Дионис Вакх шарафига байрамлар Вакхоналия ўткази бошлаганлар. Эрамиздан аввалги I асрда Эронликлар худоси Митрага сғиниш пайдо бўлган.

Илм фан-Римда ёзув подшолар даврининг охирида пайдо бўлган римликлар этрусклар алфавитини олиб уни лотин тилига мослаб қайта ишлаб чиққанлар энг қадимги даврлардаёқ қисқа қисқа ёзувлар фақат қабртошларига ўйилган ва расмий ҳужжатларга ишлатилган. Эрамиздан аввалги III аср ўрталаридагина адабий асарлар кейинчалик эса тарихий проза ва илмий **трактлар** пайдо бўла бошлаган. Римликлар **физика**, **математика** соҳасида греклар олиб борган назарий тадқиқот ишларини ривожлантирмаганлар. Улар илмий ютуқларни амалга татбиқ қилиш билангина қизиққанлар. Римда савдо арифметикасидан, қурилиш ишларидан гидротехника ва агрономиядан қўлланмалар ишлаб чиқарилган. Қадимда биринчи марта ўлароқ шаҳар соатлари (дастлаб қуёш соати, кейин сув соати) пайдо бўлган. Календарни Римликлар аниқроқ қилиб ишлаб чиққанлар.

Римликлар тасвирий санъатда ҳам омилкор бўлганлар. Эрамиздан аввалги II асрдан Рим Сицилиядан, Греция ва Кичик Осиёдан келтирилган грек ҳайкалларига шунингдек талаб олинган бошқа грек эллин санъати асарларига тўлиб кетгандан кейин Рим усталари уларга тақлид қилганлар Рим ва Италияда ҳаммадан кўра портрет ҳайкаллари авж олган. Римнинг ҳар бир асосий майдон ва кўчаларга лашкарбошилар ва сиёсий арбобларнинг ҳайкаллари қўйилган. Рим аслзодалари вафот этган аслзодаларнинг қабрларига ҳайкалларини ўрнатишган. Шунинг учун ҳам Римлик ҳайкалтарошлар портрет ҳайкаллари ясашда юксак камолотга эришганлар. Аммо Рим ва Италияда мусиқа ашула ва рақс Грециядагига қараганда жуда суст ривожланган. Созандалар кўпинча Римдан ҳайдаб юборилар эди. Рақс ва танцаларга аслзодалар бу эркин кишиларнинг иши эмас, қуллар машғулоти деб нафрат билан қараганлар.

Империя даврида эса буни аксини кўриш мумкин, пойтахт билан бир каторда бошқа шахсларда ҳам кўпгина ажойиб бинолар, ибодатхоналар, вилоят ноиблари ўзларининг маъмурий ва суд вазифаларини ўтайдиган саройлар чилустунли бинолар, саройгоҳлар театр бинолари амфитеатрлар ва цирк билан безатилган. Бу даврда театр биноларида трагедия ва комедия спектакллари кўйилган бўлса бошқа томошахоналарда **амфитеатр** ва циркларда йиртқич хайвонларни уриштирганлар.

Гладиатор жангларини ўтказганлар бундан ташқари циркларда икки жуфтдан от кўшилган араваларда (квадригаларда) пойгалар ташкил қилинган.

Римнинг марказий қисмидаги форум жуда чиройли бўлган. Республика давридаги форумга императорлар яна янгиликлар қўшганлар. Троянинг форуми ўзининг ҳашамати билан ажралиб турган. Майдоннинг марказида баландлиги 27 метр бўлган устун кўтарилган, бу устунга бурама қилиб Троянинг доқларга қарши урушини тасвирлаган бўртма суръат солинган, устун тепасига император хайкали ўрнатилган. Майдонни кутубхона биноси ўраб турган, бу бионинг айвонидан устундаги бўртма суръатларни томоша қилиш мумкин бўлган.

Империя даврида иншоотларнинг деворларига солинган нақш ва суръатларнинг асосий сюжети сув билан кўкат бўлган. Грек ва Рим афсоналарида олиб чизилган айрим кўринишлар ўша замоннинг янада севимли сюжетларидир. Рангдор кошинкор орнамент ва суръатлар билан тарихий воқеаларга оид реал манзаралар тасвир этилган. Биноларнинг деворларини мрамор билан қоплаб безаш камолига етказилган ҳар хил рангдаги тоштахта ва устунлар биноларни кўркем қилиб турган.

Грамматика мактаби - бу бошланғич мактабдан кейинги босқич бўлиб, бу одатда греклар тасарруфида бўлган. Бундай мактабда ўқиш 4 йил давом этган, мактаб босқичига адиблар ва файласуфларнинг бюстлари билан безатилган.

Талабалар шоир ва адибларнинг асарларидан парчалар ўқиганлар, улар изоҳлаб ва шарҳлаб берганлар ёзувни машқ қилганлар, грек адабиёти билан латин адабиётини алоҳида алоҳида ўқиганлар. 16 ёшга етган талабалар¹.

Риторика (нотиклик) мактабига кирганлар. Бу ҳозирги олий ўқув юртига ўхшаган мактаб бўлган. Империяда нотиклик санъатига юқори баҳо беришган, баъзи императорлар махсус латин ва грек риторика мактабларини очиш ва уларни санъатидан дарс берувчи ўқитувчилар ўз талабаларини сўзлардан чиройли жумлалар тузиш маҳоратига ҳозир жавобликка нутқни атайин черит гапиришга ўргатишган. Талабалар ўртасида мусобақалар ташкил қилинган. Ғалаба қозонган талабага Август давридан бошлаб китоб хадя қилинадиган бўлган. Июньнинг ярмидан октябрнинг ярмигача ўқувчилар таътилда бўлганлар бундан ташқари улар диний ва ижтимоий байрамларда, шунингдек ҳар бир тўққизинчи кунда “Нундин” ларда яъни бозор кунлари ўқишдан озод қилинган.

Эрамининг I-IV асрларида энг катта эллинистик ва грек шаҳарларидан Александрия, Пергам, Радос ва Афина Рим империясининг илмий фаолият марказлари бўлиб қолаверган, улар билан бир қаторда Рим, Карфаген ва Массилия ҳам маориф марказларига айланган. Александрияда кутубхона ва Месейон (Музей), Афинада Афлотун (Платон) ташкил этган академия ва Арасту (Арстотел) ташкил этган (Ликейон) фалсафа мактаблари фаолият кўрсатган кўп аслзодалар ўзларининг билимларини камолотга етказиш учун Радосга келганлар. Пергем ёнида муҳим илмий медицина маркази Акелепон вужудга келган.

Декоратив - санъат сўнгги Рим даврида айниқса кошинкорлик санъати энг кўп ёйилган тури бўлган.

Торевтика яъни қимматли материаллар ва бронзадан ҳар хил буюмлар ясаш санъати жуда тараққий этган. Нозик ва нафис бўртма суръатлар билан ишланган катта катта кумуш товоқлар ниқобсимон спиралли

¹ Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ. М. 1973. стр-81.

дубулғалар, совутлар, отларга кийдириладиган кўкракчалар моҳир усталар нақшлар солиб ишланган ва отларнинг бошига пана бўладиган уч тобақали тахталар шулар жумласидандир.

Доминат – Диоклетиан саройида дабдабали тантанлар расм қилиб император билан саломлашишнинг алоҳида тартиби унинг алвон либос этагини ўпиб “dominus” (уй эгаси хўжайин) деб мурожаат қилиш тартиби жорий қилинган. Деоклетиан ўрнатган бошқаришнинг бутун тартиби тарихда “доминат” деб ном олган, унинг сиёсий негизини мустабит ҳокимят (монархия) ва ривож топган бюрократик идора аппарати ташкил этган.

Эмфитевсис – давлат фондидаги ташлаб қўйилган ерларни енгил шартлар билан ижарага берилиши.

Колон (лотин) ижарачи ижарага ер олувчи Рим империясида эрамизгача 30, эрамизнинг 395 йилларида, ўрта асрларда Ғарбий Европа ва Лотин Америкаси мамлакатларида ҳосилотнинг бир қисмини бериш шarti билан феодалдан ер участкасини ижарага олган батрак, камбағал деҳқон.

Гимн (юнон. **hymnos**-мадҳия)- қадимги юнон адабиётини илоҳларини улуғлаш макташ учун куйланан кўшиқ. Юнонлар Апполонни мадх этиш учун леан Дионис мадҳи учун Дифиламб тўқиб қўйилган. Кейинчалик тарихий воқеалар қаҳрамонлар мадҳ қилинувчи тантанавор кўшинлар ҳам Гимн деб юритилган. Унинг илк намуналари Миср Мессопотамия Ҳиндистон халқлари адабиётида учрайди. Бунга хос хусусиятлар сифатида тантанворлик фахр ифтихор руҳий кўтаринкиликнинг бўртиб туриши маросим ва тантаналарда кўпчилик томонидан ижро этилиши кабиларни кўрсатиш мумкин. Мазмунан дастурий характердаги шеър асосидаги тантанавор кўшиқ муайян ижтимоий ҳаркат уюшма муассаса давлат шакллариининг атрибутларидан бири мадҳияси масалан: Ўзбекистон республикаси Давлат мадҳияси, Интернационал, Жаҳон демократик ёшлар федерацияси Гимни ва хоказо¹.

¹ Куронов Д. Адабиётшунослик луғати. Т. 2010. 84 бет.

Миф (юнон mythos – ривоят ҳикоя масал) халқ оғзаки ижодининг энг қадимги даврларида пайдо бўлган воқелик олам ҳақидаги тасаввурларни аниқ образлар воситасида акс эттирувчи ривоявий асарлар. Бу қадимги инсонлар учун тафаккур шакли сифатида олам сир синодларини билишга интиланлар. Мифларда уларнинг олам ҳақидаги билимлари ўз ифодасини топган, улар яратилган образлар (маҳлуқлар, маъбудлар ва хоказо) улар учун ижодий тасаввур маҳсули эмас аксинча асл ҳақиқатдир. Қадимги Юнонлар чақмоқнинг чақишини Зевснинг денгиздаги даҳшатли довулларни Посейдоннинг ғазаблангани билан изоҳланган инсоннинг тақдиридаги турфа эврилишларда илоҳларнинг аралашувини кўрганлар.

Некролог (юнон nekros – ўлик iogios – сўз нутқ) бирон бир шахснинг (таниқли шахслар, жамоат арбоблари) ўлими муносабати билан ёзилган мақола, кейинги вақтда бирон бир шахсга яқин кишиси вафоти муносабати билан билдирилган мўъжаз таъзияномалар ҳам шундай юритилади.

Эпиграф (юнон epigraphe-битик сарлавҳа) асарнинг бошланишидан сарлавҳадан кейинроқ ёки унинг бўлим боб фасллари бошида келтирувчи қисқа одатда эътиборли манбалардан олинган кўчирма, цитатанинг бир кўриниши.

Эпиграфия (юнон epitaphios- қабртошдаги ёзув) қабртошга ёзилган битик ҳақида қабртошга битилган ёки унга битилмасада тўпلامдан жой олган мўъжаз шеър. Одатда улар марҳумга мурожаат шаклида ё марҳумнинг тириклар (қабр ёнига келувчи ёки қабр ёнидан ўтувчи) га мурожаати шаклида бўлади.

Сатира – satura яъни “аралаш овқат” сўзидан олинган. Дастлаб бу хил шеърларни Энний ёза бошлаган аммо ўз шеърларида “сатира” номини ўз замонидаги Рим нойилларининг иллатларини шафқатсиз савалаган шоир Луциций (эрамиздан аввалги 180– 100 йиллар) қўллай бошлаган.

Хулоса.

Бизга маълумки қадимги дунёда антик тараққиёт цивилизациянинг энг юқори даражага етган, шуни нг учун ижтимоий иқтисодий сиёсий ҳамда маданий тараққиётда улкан муваффақиятларни қўлга киритган. Айниқса Қадимги Грецияда фалсафанинг асосий йўналишлари пайдо бўлди ва ривожланди, тасвирий санъатлар адабиёт ва маданиятнинг бошқа соҳалари порлоқ муваффақиятларга эришган. Грек тили айна пайтга қадар илмий терминологияда кенг қўлланилмоқда, атамаларнинг аксарияти грекчадан олингандир, кўп мақол ва маталлар, эртакларнинг сюжетлари қадимги Грецияга бориб тақалади. Қадимги грек трагедиялари ва комедиялари ҳозирга қадар ҳам жаҳон сахнасидан тушмасдан ўйналиб келмоқда. Қолаверса Антиқ маданий меросни ғоят буюклиги ва уни ўрганиш самаралидир.

Антик Грецияда шундай қоидалар бўлганки улар турли шаҳарларни бамисоли бутун қилиб грек элини бирлаштирган. Болқон ярим оролининг шаҳарлари ўз байрамлари ўйинлари, оракуллари (валийлари) билан грек элини бирлаштирувчи марказлар бўлган. Греция худоларига бағишланган махсус байрамлар мавжуд бўлган, улар фақат диний ҳаракатга эга

бўлмаган, чунки жисмоний тарбия мусобақалари ҳамда музика, қўшиқ ва шу кабилар мазкур байрамларнинг энг муҳим ишлари ҳисобланган. Бу байрамларга Грециянинг ҳамма полисларидан одамлар йиғилишган. Пелепоннесдаги Аргос шаҳрида Гера Аргоский шарафига ўтказилган байрамлар, Панафениялар – яъни Афинада маъбуда Афина шарафига ўтказилган байрамлар ва бошқалар машҳур байрамлар бўлган Афинада аёлларнинг намоёишлари шуҳрат қозонган. Одатда аёллар уйларидаги махсус биноларда генекеяларда ўтирганлар ва деярли ҳеч жойга бормаганлар, Панафения байрамларида аёллар маъбуда Афина шарафига бағишланган тантанали юришда қатнашганлар.

Пелепонкесда Олимпиада ўтган олимп ўйинлари айниқса донг таратган. Бу худоларнинг отаси Зевс шарафига ўтказилган.

4 йилда бир марта ўтказилган биринчи олимпиада эрамиздан аввалги 776 йили ўтказилган. Ўйинлар вақтида ҳамма греклар қатнашиши учун урушлар тўхтатилган, ҳақиқий тинчлик даракчиси бўлган Мусобақаларда югуриш, сакраш, диск ирғитиш, аравачаларда от чоптириш ва бошқа кўпгина гимнастика машқлари ўтказилган, шу билан биргаликда драматурглар, шоирлар, ашулачилар ва созандаalar ҳам мусобақалашган. Бу ўйинлар жисмоний тарбия учун ҳам ақлий ва маънавий камолот учун ҳам биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган. Жисмоний машқларда эркаклар иштирок этган аёллардан фақат Спарталиқ қизлар қатнашган. Ўйин ғолиблари оддийгина мукофот муқаддас зайтун дарахти баргларида тўқилган гулчамбарлар олганлар. Ғолиблар ҳеч қандай қимматли буюмлар олмаганлар, аммо зайтун гулчамбарлари олий фахрли мукофот ҳисобланган. Ғалаба қозонган киши юқори даражада иззат икром қилинган. Фақат ўзи эмас оиласи ҳам туғилган шаҳри ҳам жуда ҳурмат қилинган. Ғолиб шарафига қўшиқлар айтилган, шеърлар тўқилган, ҳайкалтарошлар эса уларнинг ҳайкаллари ясаганлар. Ашулачилар, музикачиларнинг мусобақаларида ғолиб чиққанлар дафна гулчамбарлари билан мукофотланганлар, улар ҳам иззат икромга сазовор бўлиб, ўз

шаҳрини фаҳри ҳисобланган. Қолаверса эрамиздан аввалги V-VI асрларда архаик даврда яратилган тараққиёт асослари, қадимги грек классикасининг Европа цивилизацияси устида муваффақият билан ривожланишга пухта замин яратган.

Қадимги грек меъморчилигида ибодатхоналар театрлар мажлис бинолари – булевтериялар етакчи архитектура иншоотлари ҳисобланган. Эрамиздан аввалги V асрдаёқ шаҳарларни режалаштириш пайдо бўлади.

Энг эрта пайдо бўлган ордер ёки услуб дорий услуби эди, бундай услубда қурилган бинолар жуда содда бўлган. Дорийча устунлар тошдан ясалган махсус тагкурси устига эмас, тўғридан тўғри полни устига ўрнатилган. Устунларнинг тепа қисми яъни капители жуда содда бўлиб четдан қараганда Трапедия шаклида бўлган. Дорийча тош устунларнинг ўзи йўғон ва бақувват бўлган.

Эрамиздан аввалги V асрда бошқа бир услуб, ионийча услуб одат бўлган, бундай услубда қурилган бинолар дорийча услубга қараганда ихчамроқ, устунлари ингичкароқ ва келишган бўлган. Устунлари эндиликда пол устига қўйилмасдан балки тош тагкурси база устига қўйилган, устунларнинг қоши капители энди икки ташакли нақшлар – волютлар билан безатилган. Ионийга услубдаги бинолар дорийчага қараганда анча мураккаброқ безатилган.

Эрамиздан аввалги IV асрда коринфча услуб одат бўла бошлаган, унинг ионийча услубдан фарқи шуки унинг таг устунлари узунроқ (ордерга мутаносиб равишда) тагкурсиси ва қоши анча мураккаб бўлиб аканф ўсимлиги япроқлари билан безатилган.

Бизнинг давримизга қадар Афина акрополи сақланиб қолган, Парфенон ва Эрейтейон ибодатхоналари грек меъморчилигини юқори намуналаридир.

Эллинистик дунё маданияти мураккаб ва хилма хил бўлиб у грек маданиятининг ҳамда Яқин Шарқ ва қисман Ўрта Шарқ мамлакатлари маданиятининг синтези ва турлича қўшилиб кетишдан иборат бўлган

жараёндир. Бу даврда айрим мамлакатлар ўртасида ўзаро алоқалар кучайиб кетди. Узоқ ҳарбий юришлар савдо сотиқлар мақсадида қилинган саёҳатлар, Яқин Шарқ мамлакатларига кўчиб бориб жойлашиш қадимги греклар ва македонларнинг билим доираларини янада кенгайтирди, қолаверса Шарқ маданияти билан яқиндан танишдилар, ҳам А.Македонский эгаллаган худолар бевосита грек маданиятидан баҳраманд бўлганлар.

Эрамиздан аввалги IV асрда греклар орасида яқин дунёқараш пайдо бўлиб, у эллинизм даврида кенг тарқалди ва фалсафий шаклга кирди. Бу дунёқараш космополитизм номи билан машҳур бўлиб, грекча “дунё граждани” демакдир. Политес-грекча фуқаро.

Бу даврда Шарқ ва грек тажрибасининг ўзаро таъсири қўл меҳнати курулларининг ва қўл ҳунармандчилик техникасининг усуллари ҳамда одам ва ҳайвонларнинг кучи билан ҳаракатга келтириладиган номураккаб механизмларнинг такомиллашувига ёрдамлашган. Грек инженери ва олими Архимед Мисрда далаларни суғориш учун қўлланиб келинган чархпалак (чиғир) механизмини яхшилаган, натижада бу “Архимед парраги” деб ном олган. Эллин ҳунармандлари горизонтал рамали тўқувчилик дастгоҳини такомиллаштирганлар.

Ҳарбий ва бинокорлик техникасида энг катта ютуқлар қўлга киритилган қилич, уруш аслаҳалари ясаладиган металл эритмаларнинг сифати яхшиланган. Денгизда илгаригига қараганда каттароқ кемалар юритила бошлайди. Бу кемаларнинг беш қатор (Пентерлар) ва ундан ҳам кўпроқ эшкакчилари бўлар эди.

Савдо флотининг денгиз кемалари такомиллаштирилган эди, улар кўпинча очик денгизда хатто океанда ҳам юра олар эди. Эрамиздан аввалги II асрда грек Гиппал Ҳиндистонга кемада сафар қилганида биринчи марта муссон шамолидан фойдаланган эди, шу билан маълум томонга қараб эсадиган шамол ёрдами билан очик океанда сузиш имкониятини очган эди. Денгизчиликнинг ривожланиши мукамалроқ маёқлар портлар ва савдо

соҳиллари ҳамда улар ёнида омборлар ва бошқа ёрдамчи бинолар қуришни зарур қилиб қўйган.

Грецияда ва қадимги Шарқда тўпланган билимларнинг ўзаро таъсири, бу ўзаро таъсирнинг техника ютуқлари ва эллинистик дунё кенг территорияларини амалий ўзлаштириш билан қўшилиб кетиши фанларнинг тез ривожланишига ёрдамлашган. Вазият эллинистик ҳукуматлардан фан ва техникани ривожлантиришга эътибор беришни талаб қилар эди. Пойтахтларда илмий марказлар ва кутубхоналар вужудга келади. Мисрдаги Александрия Дронгдаги Прегам Антиохия эллинистик дунёнинг илмий ва маданий марказлари эди. Афина ҳам маданий марказ сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолган эди. Олимларнинг математикага тиббиёт ва техника фанлари соҳасида эришган ютуқлари алоҳида аҳамият касб этади.

Эрамиздан аввалги VII–I асрларда Италияда тамаддунининг дастлабки элементлари шаклланган, илк архитектура иншоотлари асосан хом ғиштдан қурилиб, томлари похол билан ёпилган кейинчалик ибодатхоналар жамоат бинолари шахсий уйлар пишиқ ғиштдан солиниб, деворлари маҳаллий арзон мармар-травертин билан қопланган. Томлари черпица билан ёпиладиган бўлган.

Эрамиздан аввалги III аср ўрталаридан улар греклардан намуна олиб ҳашаматли уйлар қура бошлаган. Эрамиздан аввалги II–I асрларда шаҳарнинг ҳар хил жойларида кўп қаватли бинолар пайдо бўлган. Қадимги даврларда Рим кўчалари бинолари бир-бирига ёпишиб турган эгри-лабиринтдан иборат бўлган.

Ахлат ва ифлос сувларни оқизиб юбориш учун, ривоятларга халқларининг халқаро тили бўлган грек тилини ўрганишларига катта кўра эрамиздан аввалги VI аср охирларида ер тагидан катта қувур клоака ўтказилган. Эрамиздан аввалги III асрда қурилган осма тарновлардан тоғ сувлари оқиб тушиб катта фонтанларга қуйилган шаҳар халқи шу тариқа сув билан таъмин этилган.

Римдаги иқтисодий ва маданий жиҳатдан энг тараққий қилган этрусклар гуруҳи Римда тараққиётнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган. Этрускларнинг металсозлик техникасини ўрганганлар, қурилиш санъатининг асосий усуллари ва принциплари, шунингдек архитектура услубининг муҳим хусусиятларини ҳам ўзлаштирганлар. Рим ибодатхонасининг энг қадимги тури силлиқ устунлардан иборат пешайвон билан қуршаб олинган тўғарак бинолари асл ибодатхона биноларининг нусхасидир.

Лотин алфавити ҳам этрусклар таъсирида таркиб топган.

Римликлар жанубий италиядаги грек шаҳарларини ўзларига бўйсундирганидан кейин, Римда кўп греклар пайдо бўлган. Греклар Рим жамияти аъзоларига грек тилини эллинизм даврида Ўрта денгиз дунёси ёрдам берганлар. Уларнинг грек адабиёти фани ва фалсафаси билан таништирганлар. Римда грекларнинг олимпия худоларини ҳурматлай бошлаганлар. Натижада грек ибодатхоналари пайдо бўлган, грек архитектураси ва ҳайкалтарошлиги жорий қилинган.

Римда жуда қадимдан осмон худоларига сиғинганлар, бунини этрусклардан ўзлаштирган бўлса керак, уларнинг энг муҳимлари бой худо Юпитер, маъбуда Юнона, донишмандлик маъбудаси Минерва ва Рим ҳомийси ҳисобланган уруш худоси Марсдир. Диний маросимларни ижро қилувчи кохинлар (панфитицлар) ва турлиаломатларга қараб худо иродасини айтиб берувчилар фолбинлар (авгурлар) узоқ вақтларгача патрицийлардан сайлаб келинган. Улар Рим республикасининг ижтимоий сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсатиб келганлар. Уларнинг каттаси улуг панфитик Римнинг бош худоси ҳисобланган. римликлар худо билан “маслаҳатлашмасдан” осойишталикда ҳам уруш вақтида ҳам жиддий ҳаракат қилмаган. Рим жамиятида асосий жамоат топиниши ва хонаки топинишдан ташқари ҳар хил тушунчаларни шон шараф (лотинча “глория”), ғалаба (лотинча “виктория”), битишув (лотинча “конкардия”)

жасурлик (лотинча “виртус”) ва ҳоказоларни илоҳийлаштириш кен тарқалган.

Римнинг энг қадимги Юпитер Капитолийский ибодатхонаси этрусклар нусхасида эрамиздан аввалги VI аср охирларида қурилган. Римда Аппалонча ва бошқа грек худоларига сиғиниш кенг кўлам олган улар бу худоларни ўзларининг бурунги худоларига (Юпитерни–Зевсга, Юнонани–Герага, Внерани–Афродитага, Дианани–Артемидага, Менервани–Афинага, Вулканни–Гефестга ва хоказо) ўхшатишган.

Эрамиздан аввалги II асрда Римда Шарқ худоларига сиғиниш ёйила бошлаган. Масалан: Кичик Осиё юришларидан кейин худоларнинг онаси Кибелга сиғиниш бошланган. Шу билан бирга Озирис ва Изидани азиз кўра ва Дионис (Вакх) шарафига байрамлар вакханалиялар ўткази бошлаганлар. Эрамиздан аввалги I асрда Эронликлар худоси Митрага сиғиниш пайдо бўлган.

Римликлар физика математика соҳасида греклар олиб борган назарий тадқиқот ишларини ривожлантирмаганлар. Улар илмий ютуқларини амалга тадбиқ қилиш билангина қизиққанлар. Римда савдо арифметикасидан, қурилиш ишларидан гидротехника ва агрономиядан кўлланмалар ишлаб чиқилган. Қадимда биринчи марта ўлароқ шаҳар соатлари (дастлаб қуёш кейин сув соати) пайдо бўлган. Календарни римликлар аниқроқ қилиб ишлаб чиққанлар.

Амалий бинолар қуриш соҳасида Римликлар греклардан анча илгарилаб кетган, бутун Италияда кейинчалик ўрта денгиз соҳилларидаги бошқа мамлакатларда ҳам жуда обод йўллар, бу йўллардаги дарёлар сой ва чуқурликлар орқали кўприклар қурилган йўлларнинг ёқаларида ариқлар қазилган ҳар минг қадамда (миляда) йўл бўйларида Римга ва энг яқин аҳоли яшайдиган жойга неча миля қолганлигини кўрсатувчи ёзувлари бўлган тошлар ўрнатилган. Италия ва унинг вилоятларида аҳолини тоза сув билан таъмин этиш учун осма қуврлар қурилган. Маҳсус бинолар цирк театр бинолари бўлганлиги Рим ва бошқа италия шаҳарларининг муҳим

хислатидир. Байрамларда бу биноларда пьесалар қўйилган, пойга чоптирилган, қонли томошалар гладиаторлар жанги уюштирилган, ўлимга ҳукм қилинган жиноятчилар устига йиртқич ҳайвонлар қўйиб юборилган. Қатор қатор тош скамейкалар билан ўраб олинган узунчоқ бинолардан иборат цирklar театрлардан ташқари эрамиздан аввалги I асрда амфитеатрлар пайдо бўлган улар Эллипсонднамо бино бўлиб қум тўшалган сахнаси скамейкалар билан ўраб олинган ва бу сахналарда томошалар қўйилган.

Эрамиздан аввалги II–I асрларда Римда ва бошқа шаҳарларда жамоат бинолари баъзиликлар қурила бошлаган, бунда судлар мажлис қурган, магистратлар ўз ишларини олиб борганлар, йиғинлар ўтказилган йўл йўлакай ёки тайин фуқаролар бу ерга кириб сиёсий ва ижтимоий мавзуларда суҳбатлар уюштиришган.

Римда ва Италияда мусиқа ашула ва рақс Грецияга нисбатан сустривожланган, созандалар кўпинча Римдан хайдаб юборилган, рақс ва танцаларга аслзодалар бу эркин кишиларнинг иши эмас, қуллар машғулоти деб нафрат билан қараганлар.

Империя даврида эса барпо қилинган меъморчилик иншоотларида, уйларнинг поллари нафис ишланган кошинкор нақшлар ва хатто бутун бутун картиналар билан безатилган. Шимолий вилоятларда кўп уйлар иссиқ ҳаво билан иситилган, печларга уланиб пол тагидан ўтказилган қувурлардан хоналарга иситилган ҳаво юбориб турилган.

Деворларга солинган нақш ва суръатларнинг асосий сюжети сув билан кўкат бўлган. Греklar ва Рим афсоналаридан олиб чизилган айрим кўринишлар ўша даврнинг севимли сюжетларидир. Рангдор кошинкор орнамент ва суръатлар билан тарихий воқеаларга оид реал манзаралар тасвир этилган. Империя вилоятларидаги биноларнинг топилган қолдиқларидаги суръатлар ва ҳаётий манзараларда; ов, ҳосил йиғим терими, оилавий байрамлар кўп учрайди.

Биоларнинг деворларини мрамр билан қоплаб безаш камолига етказилган. Ҳар хил рангдаги тоштахта ва тош устунлар биоларни кўркам қилиб турган.

Империя даврида портретхайкалтарошлиги кенг кўлам олган. Бу даврдан императорлар, маликалар саркардалар шоирлар файласувлар ва империяда яшовчи эркин аҳолининг турли ижтимоий табақаларга мансуб оддий кишиларнинг юз бичими ғоят усталик билан тасвир этилган жуда кўп портрет хайкаллар бюстлар ва бўртма суръатлар сақланиб қолган. Портрет хайкаллар билан майдонларни, кўчаларни биоларни безатганлар. Улар хатто қабрларга ҳам ўрнатилган. Баъзан қабр тошларига марҳум ўз олиси билан бирга тасвир этилган аммо кўпроқ жангчилар ҳунармандлар, уй эгаларининг хотинлари ва хатто гладиаторларнинг портретлари солинган.

Эрамизнинг I– II асрларига оид хайкаллар ва бўртма расмлар айниқса мукамал бўлган. Эрамизнинг III асридан этиборан тасвирларнинг техник гўзаллиги пасайган.

Римда ва империянинг вилоят шаҳарларида бошланғич таълим хусусий ўқитувчилар қўлида бўлган улар пул бадалида болаларни тўплаб уларга ўқишни ва ёзишни ҳамда ҳисобни ўргатишганлар болалар ўқитувчининг уйида баъзида бирон пешайвонда ёки жамоат боғида ўқиганлар дастлаб сўзларни ёд олишган кейинчалик ўқитувчилар эса уларни кўчириб ёзишган ёд олишган. Бошланғич мактабда ўқиш 7 йилдан 12 йилгача давом этган.

Бошланғич мактабдан кейинги босқич “грамматика” мактаби деб аталган, бу мактаб биноси адиблар ва файласуфларнинг бюстлари билан безатилган. Талабалар шоир ва адибларнинг асарларидан парчалар ўқиганлар,бу асарларни ўқиб изоҳлаб ҳамда шарҳлаб берганлар, ёзувни машқ қилганлар. Грек адабиёти билан Лотин адабиётини алоҳида алоҳида ўрганишган. 16 ёшга тўлган талабалар “риторика” (нотиклик) мактабига кирганлар. Бу ҳозирги олий ўқув юртига ўхшаган мактаб бўлган.

Ижтимоий ҳаёт таназзулга юз тутганлигига қарамай империяда нотиклик санъатига юқори баҳо беришган, баъзи императорлар махсус латин ва грек риторика мактабларини очиш ва уларни сақлашга катта маблағ ажратганлар. Талабалар сўзларини чиройли жумлалардан тузиш маҳоратига, ҳозирликка нутқни атайин чертиб гапиришга ўргатганлар. Улар ўртасида мусобақаташқил қилиниб, ғолибларга Август давридан бошлаб китоб ҳадя қилинадиган бўлган. Июньнинг ярмидан октябрнинг ярмигача ўқувчилар таътилда бўлганлар. Бундан ташқари улар диний ва ижтимоий байрамларда шунингдек ҳар бир тўққизинчи кунда “нундин”ларда яъни бозор кунлари ўқишдан озод қилинган.

Эрамизнинг I– IV асрларида энг катта эллинистик ва грек шаҳарларидан Александрия, Прегам, Радос ва Афина Рим империясининг илмий фаолият марказлари бўлиб қолаверган, улар билан бир қаторда Рим, Карфаген ва Мессилия ҳам маориф марказларига айланган.

Александрияда кутубхона ва Мусейон, Афлотун (Платон) ташкил этган (Академия) ва Арасту (Аристотел) ташкил этган (Пикейон) фалсафа мактаблари ишлаб турган. Кўп аслзодалар ўз билимини янада кенгайтириш мақсадида Радосга келганлар. Пергам ёнида муҳим илмий медицина маркази Асклепон вужудга келган, айнаи вақтда бу ҳам маъбуд Акслепияга сиғинадиган жой ҳам врачлар мактаби, ҳам сув шифохонаси ва машҳур.

курорт ҳам бўлган

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов. И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. – Т. 1997.
2. Каримов. И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т. Шарқ. 1998.
3. Каримов. И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т. 2008.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т. 2011.
5. Абдиев В.И. Қадим Шарқ тарихи. М. 1970.
6. Аверинцев.С.С. Плутарх и античная биография. М. 1973.
7. Бончард-Левин.Г.М., Ильин Г.Ф. Индия в древности. М.1985.

8. Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ. Л. 1976.
9. Массон В.М. Первые цивилизации. Л. 1989.
10. Пьянков И.В. Бактрия в античной традиции. Душанбе. 1972.
11. Резер Д.Т., Черкасова Е.А. История древнего мира. М. 1985.
12. Сайко Э.В. Становления города как производственного центра. Душанбе. 1973.
13. Эшов Б. Цивилизация тизимида илк шаҳарлар. –Т. 2004.
14. Бекмухаммедов Х.Ю. Тарих терминлари изохли луғати. –Т. 1978.
15. Бобоева М.К., Курбонғалиева Р.С. Қадимги дунё тарихи изохли луғати. –Т. 1992.
16. Куронов Д. Адабиётшунослик луғати. –Т. 2010.
17. Энциклопедик луғат. –Т. 1988.
18. Кун Н.А. Легенды и мифы древней Греции. –Т. 1986
19. Античная Греция. 1 том. Становления и развитие полиса. М. 1983.
20. Энциклопедик луғат 1–2 том. –Т. 1988.
21. Историческая энциклопедия. 5–13 том. М. 1971.
22. Плутах. –Т. 2006.
23. Афлотун. –Т. 2008.
24. Арасту. –Т. 2008.